

Нур сочгувчи ой

05:00 / 09.03.2017 4316

Дастлабки сивилizatсияларда, ой ўз нурига эга, деб таъкидланган. Бугунги кунга келиб эса, илм-фан ойнинг нури фақатгина қуёш нурунинг акси эканини айтмоқда. Қуръон эса бу илмий фактни бундан 1400 йил олдин айтиб қўйган:

«Осмонда буржлар қилган ва унда чироқ ва нур сочгувчи ой қилган Зот баракотли-буюк бўлди.» (Қуръон 25:61)

Қуръондаги қуёшни билдирувчи арабча сўз шамс бўлиб, уни ифодалаб сирааж сўзи ишлатилган, бу “чироқ” маъносини билдиради, ёки “машъала” маъносидаги ваҳхааж сўзи, ёки “зиё” маъносини билдирувчи дия сўзлари ишлатилади. Бу учала таърифнинг барчаси тўғри, зеро қуёш давомий иссиқлик ва ёруғликни ички ёнув орқали ҳосил қилади.

Ойни англатувчи арабча сўз қамар бўлиб, Қуръонда уни тасвираб муниир сўзи келади, бу “нур таратувчи”, яъни “нурни акс эттирувчи”, деган маънони билдиради. Яна бир бор Қуръоний ифода ойнинг табиий ҳолатига тўлалигича мувофиқ келмоқда, яъни, ойнинг бевосита ўзи нур сочмаслиги, фақатгина қуёш нуруни акс эттириши айтилмоқда. Қуръонда бирон жойда ойни ифодалаб сирааж, ваҳхааж ёки дия сўзлари ёки қуёшни ифодалаб нур ёки муниир сўзлари келмаган. Бу шуни англатадики, Қуръонни нозил қилган Зот қуёш нури ҳамда ой нурунинг бир-биридан фарқли эканини жуда яхши билган.

Қуйидаги оятлар қуёш ва ойдан келаётган нурунинг моҳиятига оид:

“У қуёшни зиё ва ойни нур қилган ... зотдир” (Қуръон 10:5)

Ва яна бир оятда Аллоҳ таоло шундай дейди:

“Аллоҳ етти осмонни қандоқ қилиб табақама-табақа яратиб қўйганини кўрмадингизми? Ва улар ичида ойни нур ва қуёшни чироқ қилиб қўйганини кўрмадингизми?” (Қуръон 71:15-16)

Шундай қилиб, Қуръони Карим ва замонавий илм, қуёш нури ва ой нури ўртасидаги фарқ борасида ўзаро мувофиқ фикрда эканини билиб олдик.

